

## **БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ НИЗОМИ<sup>1</sup>**

---

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми 1945 йил 26 июнда Сан-Францискода Бирлашган Миллатлар Конференциясининг Халқаро Ташкилот тузиш бўйича якуний мажлисида имзоланган ва 1945 йилнинг 24 октябрида кучга кирган Халқаро Суд Статути Низомнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Низомнинг 23, 27 ва 61-моддаларига тузатишлар Бош Ассамблея томонидан 1963 йилнинг 17 декабрида қабул қилиниб, 1965 йилнинг 31 августида кучга кирган. 1965 йилнинг 20 декабрида Бош Ассамблея қабул қилган 109-моддага тузатиш 1968 йилнинг 12 июнида кучга кирди.

Низомнинг 23-моддасига тузатиш Хавфсизлик Кенгаши аъзолари сонини ўн биттадан ўн бештага оширди. Тузатилган 27-модда Хавфсизлик Кенгашининг тартибот масалалари бўйича қарорлари уларга тўққиз аъзо (илгари — еттита) овоз берган бўлса ва бошқа барча масалалар бўйича эса Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларининг бешта бир хил овозини ҳам ҳисобга олгандаги тўққиз овози (илгари — еттита) берилган бўлса, қабул қилинган, деб ҳисобланишини кўзда тутган.

61-моддага тузатиш Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш аъзолари сонини ўн саккизтадан йигирма еттитага оширди. 1973 йил 24 сентябрда кучга кирган ушбу моддага тузатиш Кенгаш аъзолари сонини йигирма еттитадан эллик тўрттага оширди.

109-модданинг биринчи бандига тузатиш аъзо-давлатларнинг Бош Конференция Низомни қайта кўриб чиқиш мақсадида ўтказадиган Бош Конференция вақти ва жойи Бош Ассамблея аъзоларининг учдан икки қисми овози билан ва Хавфсизлик Кенгаши аъзоларининг ҳар қандай тўққиз (илгари — етти) овози билан белгиланишини кўзда тутган.

Низомни қайта кўриб чиқиш имкониятларини кўзда тутган 109-модданинг 3-банди Бош Ассамблея ва Хавфсизлик Кенгаши томонидан Бош Ассамблеянинг 1955 йилдаги навбатдаги ўнинчи сессиясида кўриб чиқилган ва унинг дастлабки шаклида: “Хавфсизлик Кенгашининг еттита ҳар қандай аъзоси овози билан” қолдирилган эди.

---

<sup>1</sup> Таржимонлар — Аюпов Аҳмаджон Толипович, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида етакчи илмий ходим, юридик фанлари номзоди; Норбоев Жасур Ботирович, Очиқ жамият институти, Кўмак жамғармаси — Ўзбекистон, Шарқ-Шарқ дастури координатори; Шамсиму ҳамедов Исроил Усмонович, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлао институтида етакчи илмий ходим, филология фанлари номзоди; Ҳакимов Равшан Тўлқинович, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида бўлим бошлиғи, Ўзбек халқаро ҳуқуқ Ассоциацияси раиси, юридик фанлари номзоди.

## **БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ НИЗОМИ**

---

Биз, Бирлашган Миллатлар халқлари, келажак авлодларни ҳаётимизда икки марта инсониятга ифодаб бўлмайдиган ғам-ғусса келтирган уруш кулфатларидан халос этишга ва инсоннинг асосий ҳуқуқларига, инсон шахсининг қадр-қимматига, эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилигига ва катта-кичик миллатлар ҳуқуқларининг тенглигига ишончни қайта қарор топтиришга ва шартномалар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа манбаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларга ҳурмат билан қараш ва адолатга риоя қилиш мумкин бўлган шарт-шароитни вужудга келтиришга ва ижтимоий тараққиёт ва кенг озодлик шароитида турмушни яхшилашга ёрдам беришга

ва шу мақсадда

сабр-тоқат намоён этиб, яхши қўшнилар каби биргаликда, ўзаро тотувликда яшашга ва

халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун кучларимизни бирлаштиришга ва

тегишли принцип ва услубларни қабул қилиш билан қуролли кучларнинг умумий манфаатлардан бўлак мақсадлар учун ишлатилмаслигини таъминлашга ва

халқаро аппаратдан барча халқларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига ёрдам бериш учун фойдаланишга қатъий аҳд қилиб,

**ЎЗ КУЧ-ҒАЙРАТИМИЗНИ ШУ МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШ УЧУН БИРЛАШТИРИШГА ҚАРОР ҚИЛДИК.**

Шунга биноан, бизнинг тегишли ҳукуматларимиз Сан-Франциско шаҳрида тўпланган, ўзларининг ҳақиқий деб топилган ваколатномаларини тақдим этган вакиллари орқали Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ушбу Низомини қабул қилишга розилик бердилар ва шу асосда “Бирлашган Миллатлар” деб номланган халқаро ташкилот таъсис этдилар.

**МАҚСАД ВА ПРИНЦИПЛАР****1-модда**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўзлаган Мақсадлар:

1. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ва шу мақсадда тинчликка таҳдиднинг олдини олиш ва уни бартараф этиш ва тажовуз ҳаракатлари ёки тинчликка раҳна солувчи бошқа ҳаракатларни бостириш учун биргаликда самарали чоралар кўриш ҳамда адолат ва халқаро ҳуқуқ принципларига асосланган ҳолда тинчлик воситаларидан фойдаланиб, тинчликнинг бузилишига олиб келувчи халқаро низо ёки вазиятларни тинчитиш ёки ҳал этиш;
2. Халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши принципини ҳурмат қилиш асосида миллатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш ҳамда ялпи тинчликни мустаҳкамлаш учун бошқа тегишли чораларни кўриш;
3. Иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар характердаги халқаро муаммоларни ҳал этишда ҳамда инсон ҳуқуқларига ва барчанинг ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар асосий эркинликларига ҳурматни рағбатлантириш ва ривожлантиришда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш ва
4. Шу умумий мақсадларга эришишда миллатлар ҳаракатларини мувофиқлаштириш маркази бўлиш.

**2-модда**

1-моддада кўрсатилган мақсадларга эришиш учун Ташкилот ва унинг Аъзолари қуйидаги принциплар асосида иш юритадилар:

1. ашкилот ўзининг барча Аъзоларининг суверен тенглиги принципига асосланади;
2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча Аъзолари ҳаммаларини Ташкилот Аъзолари таркибига мансубликдан келиб чиқадиган барча ҳуқуқ ва имтиёзлар билан таъминлаш учун ушбу Низом бўйича зиммаларига олган мажбуриятларини виждонан бажарадилар;
3. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча Аъзолари халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатни таҳдид остига қўймаслик учун ўзларининг халқаро низоларини тинчлик воситалари билан ҳал қиладилар;
4. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча Аъзолари ўзларининг халқаро муносабатларида ҳар қандай давлатнинг ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши куч билан таҳдид қилиш ёки уни ишлатишдан, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Мақсадларига тўғри келмайдиган бошқа бирон-бир тарздаги ҳаракатлардан ўзларини тиядилар;
5. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча Аъзолари унга ушбу Низомга мувофиқ амалга ошираётган барча ҳаракатларида ҳар томонлама ёрдам берадилар ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қайси давлатга қарши огоҳлантирувчи ёки мажбурловчи характердаги ҳаракатлар амалга оширилаётган бўлса, бундай давлатга ёрдам кўрсатишдан ўзларини тиядилар;
6. Ташкилот ўзига Аъзо бўлмаган давлатларнинг шу принциплар асосида ҳаракат қилишларини таъминлайди, зеро бу халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун зарур бўлиши мумкин;
7. Ушбу Низом Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ҳар қандай давлатнинг аслида ички ваколатига кирадиган ишларига аралашиб учун асло ҳуқуқ бермайди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аъзоларидан бундай ишларни ушбу Низом доирасида ҳал этишга киритишни талаб этмайди; аммо ушбу принцип VII бобга асосланиб, мажбурий чоралар қўлланишига дахлдор эмас.

### ТАШКИЛОТ АЪЗОЛАРИ

#### 3-модда

Халқаро Ташкилот тузиш юзасидан Сан-Францискода бўлган Конференцияда қатнашиб ёки илгарироқ Бирлашган Миллатларнинг 1942 йил 1 январдаги Декларациясини имзолаб, 110-моддага мувофиқ ушбу Низомни имзолаган ва ратификация қилган давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дастлабки Аъзолари ҳисобланади.

#### 4-модда

1. Ушбу Низомда назарда тутилган мажбуриятларни ўз зиммасига оладиган ва, Ташкилотнинг фикрича, шу мажбуриятларни бажара оладиган ва бажаришни истайдиган барча тинчликсевар давлатлар Ташкилотга Аъзо бўла оладилар.
2. Ҳар қандай давлатни Ташкилот Аъзолигига қабул қилиш Хавфсизлик Кенгашининг тавсиясига мувофиқ Бош Ассамблея қарори билан амалга оширилади.

#### 5-модда

Агар Хавфсизлик Кенгаши Ташкилотнинг бирон-бир Аъзосига қарши огоҳлантирувчи ёки мажбурловчи характердаги чораларни кўрган бўлса, Бош Ассамблея Хавфсизлик Кенгашининг тавсиясига мувофиқ, унинг Ташкилот Аъзоси сифатидаги тегишли ҳуқуқ ва имтиёзларидан фойдаланишини тўхтатиб қўйишга ҳақли. Бу ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланишни Хавфсизлик Кенгаши қайта тиклаши мумкин.

#### 6-модда

Ташкилотнинг ушбу Низомда кўрсатилган принципларни муттасил равишда бузиб келган Аъзоси Хавфсизлик Кенгашининг тавсиясига биноан Бош Ассамблея Ташкилотидан чиқарилиши мумкин.

#### **ОРГАНЛАР**

##### **7-модда**

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий органлари сифатида Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш, Васийлик Кенгаши, Халқаро Суд ва Котибият таъсис этилади.
2. Зарур бўлиб қолганда ушбу Низомга мувофиқ ёрдамчи органлар таъсис этилиши мумкин.

##### **8-модда**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўзининг асосий ва ёрдамчи органларида эркаклар билан хотин-қизларнинг истаган вазифада ва тенг шароитларда қатнашиш ҳуқуқини ҳеч ҳам чекламайди.

### БОШ АССАМБЛЕЯ

#### ТАРКИБИ

##### 9-модда

1. Бош Ассамблея Ташкилот Аъзоларидан иборат.
2. Ташкилотнинг ҳар бир Аъзоси Бош Ассамблеяда бештадан ортиқ бўлмаган вакиллариغا эга бўлади.

#### ВАЗИФА ВА ВАКОЛАТЛАРИ

##### 10-модда

Бош Ассамблея ушбу Низом доирасида ёки Низомда кўзда тутилган ҳар қандай органнинг ваколатлари ҳамда вазифаларига тааллуқли ҳар қандай масала ёки ишни муҳокама қилишга ва 12-моддада кўрсатилган истиснолардан ташқари, шу йўналишдаги ҳар қандай масала ёки иш юзасидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аъзоларига ёки Хавфсизлик Кенгашига ёки Ташкилот Аъзоларига ҳам, Хавфсизлик Кенгашига ҳам тавсиялар беришга вакил қилинади.

##### 11-модда

1. Бош Ассамблея халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ишида ҳамкорликнинг умумий принципларини, шу жумладан, қуролсизланиш ва қурол-ярроғни тартибга солишни белгилаб берувчи принципларни кўриб чиқишга ва шу қоидалар юзасидан Ташкилот Аъзоларига ёки Хавфсизлик Кенгашига ёки Ташкилот Аъзоларига ҳам, Хавфсизлик Кенгашига ҳам тавсиялар беришга вакил қилинади.
2. Бош Ассамблея халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш юзасидан ўз олдида Ташкилотнинг ҳар қандай Аъзоси ёки Хавфсизлик Кенгаши томонидан ёки Ташкилотга Аъзо бўлмаган давлат томонидан қўйилган ҳар қандай масалаларни 35-модданинг 2-бандига мувофиқ муҳокама қилишга ва 12-моддада кўрсатилган истиснолардан ташқари, шундай йўналишдаги ҳар қандай масала юзасидан манфаатдор давлат ёки давлатларга ёки Хавфсизлик Кенгашига тавсиялар беришга вакил қилинади. Бош Ассамблея чора кўриш зарур бўлган бундай ҳар қанақа масалани муҳокамагача ёки муҳокамадан сўнг Хавфсизлик Кенгашига оширади.
3. Бош Ассамблея Хавфсизлик Кенгашининг эътиборини халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид қилиши мумкин бўлган вазиятларга жалб эта олади.
4. Бош Ассамблеянинг ушбу моддада баён қилинган ваколатлари 10-модданинг умумий маъносини чеклаб қўймаслиги лозим.

##### 12-модда

1. Хавфсизлик Кенгаши бирон низо ёки вазият бўйича ушбу Низомда ўзига юкланган вазифаларни бажараётганида, агар Хавфсизлик Кенгашининг ўзи сўрамаса, Бош Ассамблея шу низо ёки вазиятга тааллуқли ҳеч қандай тавсия бера олмайди.
2. Бош Котиб Хавфсизлик Кенгашининг розилиги билан Бош Ассамблеяни унинг ҳар бир сессиясида Хавфсизлик Кенгаши муҳокама қилаётган халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашга тааллуқли барча масалалар юзасидан хабардор қилади, худди шу тариқа Хавфсизлик Кенгаши бундай масалаларни муҳокама қилишни тўхтатган заҳоти дарҳол Бош Ассамблеяни, агар Бош Ассамблея мажлис ўтказмаётган бўлса, Ташкилот Аъзоларини хабардор қилади.

##### 13-модда

1. Бош Ассамблея:
  - а) Сиёсий соҳадаги халқаро ҳамкорликка қўмаклашиш ва халқаро ҳуқуқнинг тобора тараққий этиши ва унинг кодификация қилинишини рағбатлантириш;

- б) Иқтисодий, ижтимоий, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги халқаро ҳамкорликка қўмаклашиш, инсон ҳуқуқларини ва барчанинг асосий эркинликларини ирқи, жинси, тили ва динини ажратмаган ҳолда амалга оширишга қўмаклашиш мақсадида тадқиқотлар уюштиради ва тавсиялар беради.
2. Бош Ассамблеянинг юқорида, 1 б бандда эслатилган масалаларга тааллуқли бошқа мажбуриятлари, вазифалари ва ваколатлари IX ва X бобларда баён қилинган.

#### **14-модда**

Бош Ассамблеяга, 12-моддадаги қоидаларга риоя қилган ҳолда, келиб чиқишидан қатъи назар, Ассамблея фикрига қўра, миллатлар умумий фаровонлигига ёки ўрталаридаги дўстона муносабатларга раҳна солиши мумкин бўлган ҳар қандай вазиятни, жумладан, ушбу Низомдаги, Бирлашган Миллатларнинг Мақсад ва Принциплари баён этилган қоидаларни бузиш натижасида юзага келувчи вазиятларни, тинч йўл билан баргараф этиш чораларини тавсия этиш ваколати берилади.

#### **15-модда**

1. Бош Ассамблея Хавфсизлик Кенгашининг йиллик ва махсус маърузаларини қабул қилиб олади ва кўриб чиқади; бу маърузалар халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш бўйича Хавфсизлик Кенгаши кўришга аҳд қилган ёки кўрган чоралар тўғрисидаги ҳисоботни ўз ичига олади.
2. Бош Ассамблея Ташкилотнинг бошқа органлари маърузаларини қабул қилиб олади ва кўриб чиқади.

#### **16-модда**

Бош Ассамблея халқаро васийлик тизими юзасидан ўзига XII ва XIII боблар асосида юкланган вазифаларни бажаради, бунга стратегик ҳудудлар қаторига киритилмаган ҳудудлар учун васийлик тўғрисидаги битимларни тасдиқлаш ҳам киради.

#### **17-модда**

1. Бош Ассамблея Ташкилотнинг бюджетини кўриб чиқади ва тасдиқлайди.
2. Ташкилот Аъзолари унинг харажатларини Бош Ассамблея белгилаган тақсимотга мувофиқ тўлайди.
3. Бош Ассамблея 57-моддада эслатилган ихтисослаштирилган муассасалар билан тузилган ҳар қандай молия ва бюджет битимларини кўриб чиқиб, тасдиқлайди ва манфаатдор муассасаларга тавсиялар бериш мақсадида шундай ихтисослаштирилган муассасаларнинг маъмурий бюджетларини текшириб чиқади.

### **ОВОЗ БЕРИШ**

#### **18-модда**

1. Бош Ассамблеянинг ҳар бир Аъзоси битта овозга эга.
2. Бош Ассамблеянинг муҳим масалалар бўйича қарорлари Ассамблеянинг овоз беришда ҳозир бўлган ва қатнашган аъзоларининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинади. Бу масалаларга қуйидагилар киради:
- халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашга оид тавсиялар, Хавфсизлик Кенгашининг доимий бўлмаган Аъзоларини сайлаш, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш Аъзоларини сайлаш, 86-модданинг 1-с бандига мувофиқ Васийлик Кенгаши аъзоларини сайлаш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига янги Аъзолар қабул қилиш, Ташкилот Аъзоларининг ҳуқуқ ва имтиёзларини тўхтатиб туриш,
  - Ташкилотдан унинг Аъзоларини чиқариш, васийлик тизимининг ишлашига тааллуқли масалалар ва бюджет масалалари.
3. Бошқа масалаларга тааллуқли қарорлар, жумладан, овозларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги билан ҳал қилинадиган масалаларнинг қўшимча турларини аниқлаш ҳақидаги қарорлар овоз беришда ҳозир бўлган ва қатнашганларнинг оддий кўпчилиги билан қабул қилинади.

**19-модда**

Ташкилотга аъзолик бадали тўлаш бўйича қарздор бўлган Ташкилот Аъзоси, агар қарзининг миқдори унинг охириги тўлиқ икки йил учун тўлаши лозим бўлган пул миқдорига баробар ёки ундан ортиқ бўлса, Бош Ассамблеяда овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Аммо Бош Ассамблея Ташкилот Аъзоси аъзолик бадалини ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ўз вақтида тўлай олмаган, деб топса, бундай Аъзони овоз беришда қатнашишига рухсат бериши мумкин.

**ТАРТИБОТ****20-модда**

Бош Ассамблея навбатдаги йиллик сессияларига ва вазият тақозоси билан махсус сессияларга тўланади. Махсус сессияларни Бош Котиб Хавфсизлик Кенгашининг ёки Ташкилот Аъзоларидан кўпчилигининг талаби билан чақиради.

**21-модда**

Бош Ассамблея ўзининг тартибот қоидаларини белгилайди. У ҳар бир сессияга ўз Раисини сайлайди.

**22-модда**

Бош Ассамблеяга ўз вазифаларини бажариши учун зарур деб топган ёрдамчи ташкилотларни таъсис этишига ваколат берилади.



### ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ

#### ТАРКИБИ

##### 23-модда

1. Хавфсизлик Кенгаши Ташкилотнинг ўн беш Аъзосидан иборат. Хитой Халқ Республикаси, Франция, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Қироллиги ва Америка Қўшма Штатлари Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларидир. Бош Ассамблея Ташкилотнинг бошқа ўнта аъзосини Хавфсизлик Кенгашининг муваққат аъзолари сифатида сайлайди, бунда, аввало, Ташкилот Аъзоларининг халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашда ва Ташкилотнинг бошқа мақсадларига эришишда нечоғли қатнашганлигига, шунингдек, адолатли жугрофий тақсимотга алоҳида эътибор беради.
2. Хавфсизлик Кенгашининг муваққат аъзолари икки йиллик муддатга сайланади. Муваққат аъзоларини биринчи марта сайлашда Хавфсизлик Кенгаши аъзолари сони ўн биттадан ўн бештагача кўпайгач, тўртта кўшимча аъзолардан икkitаси бир йил муддатга сайланади. Хавфсизлик Кенгашининг чиқиб кетаётган аъзоси дарҳол қайта сайлана олмайди.
3. Хавфсизлик Кенгашининг ҳар бир аъзоси битта вакилга эга.

#### ВАЗИФА ВА ВАКОЛАТЛАРИ

##### 24-модда

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тез ва самарали ҳаракат қилишини таъминлаш учун унинг Аъзолари Хавфсизлик Кенгашига халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш бўйича асосий масъулиятни юклайдилар ва Хавфсизлик Кенгаши шу масъулиятдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажараётганда Ташкилот Аъзолари номидан иш кўришига рози бўладилар.
2. Хавфсизлик Кенгаши ушбу мажбуриятларини бажараётганда Бирлашган Миллатларнинг Мақсад ва Принципларига мувофиқ иш кўради. Шу мажбуриятларни бажариш учун Хавфсизлик Кенгашига берилган муайян ваколатлар VI, VII, VIII, XII бобларда баён қилинган.
3. Хавфсизлик Кенгаши Бош Ассамблея муҳокамасига йиллик маърузалар ва, заруратга қараб, махсус маърузалар тақдим қилади.

##### 25-модда

Ташкилот Аъзолари, ушбу Низомга мувофиқ, Хавфсизлик Кенгашининг қарорларига бўйсунушига ва уларни бажаришга розилик берадилар.

##### 26-модда

Қуролланиш иши учун жаҳоннинг одам ва иқтисодиёт захираларини энг кам миқдорда жалб қилган ҳолда халқаро тинчлик ва хавфсизлик ўрнатиш ва сақлашга кўмаклашиш мақсадида Хавфсизлик Кенгаши Ташкилот Аъзоларига тақдим этиш учун қуролланишни тартибга солиш тизимини вужудга келтириш режаларининг 47-моддада кўрсатилган Ҳарбий Штаб кўмитаси ёрдами билан тузилишига жавобгар ҳисобланади.

#### ОВОЗ БЕРИШ

##### 27-модда

1. Хавфсизлик Кенгашининг ҳар бир Аъзоси битта овозга эга.
2. Хавфсизлик Кенгашининг тартибот масалалари бўйича қарорлари, агар уларга Кенгашнинг тўққиз аъзоси ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган, деб ҳисобланади.

3. Хавфсизлик Кенгашининг бошқа барча масалаларга оид қарорлари Кенгашнинг барча доимий аъзоларининг бир хил овозларини қўшиб ҳисоблаганда тўққиз аъзоси овоз берган бўлса, қабул қилинган, деб ҳисобланади, бунда баҳсда қатнашувчи томон VI боб асосида ва 52-модданинг 3-банди асосида қарор қабул қилишда овоз беришдан ўзини сақлаши керак.

## ТАРТИБОТ

### 28-модда

1. Хавфсизлик Кенгаши узлуксиз ишлай оладиган тарзда тузилади. Бунинг учун Хавфсизлик Кенгашининг ҳар бир аъзоси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жойлашган жойда доимо ўз вакилига эга бўлиши керак.
2. Хавфсизлик Кенгаши вақти-вақти билан бўладиган мажлисларга тўпланади, уларда аъзолардан ҳар бири ўз истагига қараб ё ҳукумат аъзосини ёки махсус тайинланган бошқа бир вакилини вакил қила олади.
3. Хавфсизлик Кенгашининг мажлислари нафақат Ташкилот жойлашган жойда, балки Кенгашнинг фикрича, унинг ишлашига кўпроқ имкон берадиган бошқа ҳар қандай жойда ҳам ўтказилиши мумкин.

### 29-модда

Хавфсизлик Кенгаши ўз вазифаларини бажариши учун қандай ёрдамчи органларни зарур деб топса, уларни таъсис эта олади.

### 30-модда

Хавфсизлик Кенгаши ўзининг тартибот қоидаларини, шу жумладан, ўз Раисини сайлаш тартибини белгилайди.

### 31-модда

Ташкилотнинг Хавфсизлик Кенгашига аъзо бўлмаган ҳар бир аъзоси Хавфсизлик Кенгаши муҳокамасига киритилган ҳар қандай масалани кўриб чиқишда, Хавфсизлик Кенгаши ана шу масалани мазкур Аъзонинг манфаатларига тааллуқли деб топган ҳар бир ҳолатда, овоз бериш ҳуқуқисиз қатнаша олади.

### 32-модда

Ташкилотнинг Хавфсизлик Кенгаши аъзолигида турмаган ҳар қандай аъзоси ёки Ташкилотнинг аъзолигида турмаган ҳар қандай давлат, Хавфсизлик Кенгаши кўриб чиқадиган низода қатнашувчи томон бўлса, улар шу низога тааллуқли муҳоқамада овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланмай қатнашиш учун таклиф этилади. Хавфсизлик Кенгаши Ташкилот Аъзоси бўлмаган давлатнинг қатнашуви учун қандай шароитни адолатли деб топса, ўшандай шароитни вужудга келтиради.

### НИЗОЛАРНИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ҚИЛИШ

#### 33-модда

1. Ҳар қандай низода қатнашувчи томонлар, бу низонинг давом этиши халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг сақланишига таҳдид соладиган бўлса, аввало, низони музокаралар юритиш, текшириш, воситачилик, ярашиш, арбитраж, суд йўли билан ҳал этиш ёки минтақавий органлар ё битимларга мурожаат қилиш ёки ўз хоҳишларига кўра, бошқа тинчлик воситалари билан бартараф қилишга интилишлари лозим.
2. Хавфсизлик Кенгаши, зарур деб топса, томонлардан ораларидаги низони шундай воситалар ёрдамида бартараф қилишни талаб этади.

#### 34-модда

Хавфсизлик Кенгаши халқаро ихтилофга сабаб бўлиши ёки низо чиқариши мумкин бўлган ҳар қандай келишмовчилик ёки вазиятни, уларнинг давом этиши халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг сақланишига таҳдид сола олиши эҳтимолини аниқлаш мақсадида, текширишга вакил қилинади.

#### 35-модда

1. Ташкилотнинг ҳар бир Аъзоси 34-моддада кўрсатилган тарздаги ҳар қандай низо ёки вазиятни Хавфсизлик Кенгашига ёки Бош Ассамблеяга маълум қила олади.
2. Ташкилот аъзоси бўлмаган давлат Хавфсизлик Кенгаши ёки Бош Ассамблеяни ўзи бир томони бўлган ҳар қандай низо тўғрисида, агар у ушбу Низомда кўрсатилган низоларни тинчлик йўли билан бартараф қилиш мажбуриятларини олдиндан ўз зиммасига олса, хабардор қила олади.
3. Бош Ассамблея ўзига ушбу модда асосида маълум қилинган ишларни 11- ва 12-моддалардаги қоидаларга мувофиқ ҳал этади.

#### 36-модда

1. Хавфсизлик Кенгаши 33-моддада кўрсатилган тарздаги низонинг ёки шунга ўхшаш вазиятнинг ҳар қандай босқичида уни бартараф этишнинг тегишли тартиби ёки усулини тавсия этишга вакил қилинади.
2. Хавфсизлик Кенгаши шу низони бартараф қилиш учун томонлар тарафидан қабул қилиб бўлинган ҳар қандай тартибни эътиборга олади.
3. Хавфсизлик Кенгаши ушбу модда асосида тавсиялар берганда юридик характердаги низолар умумий қоида сифатида, Суд Статути қоидаларига мувофиқ Халқаро Судга оширилиши кераклигини ҳам эътиборга олади.

#### 37-модда

1. Агар томонлар 33-моддада кўрсатилган тарздаги низони шу моддада кўрсатилган воситалар билан бартараф қилолмасалар, уни Хавфсизлик Кенгашига оширадилар.
2. Агар Хавфсизлик Кенгаши шу низонинг давом этиши халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг сақланишига ҳақиқатан таҳдид қилиши мумкин, деб ҳисобласа, у 36-модда асосида иш кўриш керакми ёки низони бартараф қилишнинг ўзи маъқул топган шартларни тавсия этиш кераклигини ҳал қилади.

#### 38-модда

Хавфсизлик Кенгаши, агар ҳар қандай низода қатнашувчи барча томонлар илтимос қилсалар, 33—37-моддаларнинг қоидаларига путур етказмасдан томонларга шу низони тинч йўл билан бартараф этиш мақсадида тавсиялар беришга вакил қилинади.

### **ТИНЧЛИККА ТАҲДИД ҚИЛИШ, ТИНЧЛИКНИ БУЗИШ ВА БОСҚИНЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРИГА НИСБАТАН КЎРИЛАДИГАН ЧОРАЛАР**

#### **39-модда**

Хавфсизлик Кенгаши тинчликка ҳар қандай таҳдид қилиш, тинчликни ҳар қандай тарзда бузиш ёки босқинчилик ҳаракати мавжудлигини аниқлайди ва тавсиялар беради ёки халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ёхуд тиклаш учун 41-ва 42-моддаларга мувофиқ қандай чоралар кўриш кераклигини ҳал қилади.

#### **40-модда**

Хавфсизлик Кенгаши вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик учун тавсиялар бериш ёки 39-моддада кўзда тутилган чораларни кўриш ҳақида қарор қабул қилишдан аввал, манфаатдор томонлардан ўзи вақтинча кўрилиши лозим ва маъқул, деб топган чораларнинг бажарилишини талаб этишга вакил қилинади. Бундай вақтинча чоралар манфаатдор томонларнинг ҳуқуқларига, даъволарига ёки мавқеига зарар етказмаслиги лозим. Хавфсизлик Кенгаши шу муваққат чораларнинг бажарилмаганлигини тегишлича ҳисобга олади.

#### **41-модда**

Хавфсизлик Кенгаши ўз қарорларини амалга ошириш учун қуролли кучлардан фойдаланиш билан алоқадор бўлмаган қандай чоралар кўриш кераклигини ҳал этишга вакил қилинади ва у Ташкилот Аъзоларидан шундай чораларни кўришни талаб қила олади. Бу чораларга иқтисодий муносабатларни, темир йўл, денгиз, ҳаво, почта, телеграф, радио ёки бошқа алоқа воситаларини тўла ёки қисман тўхтатиш, шунингдек, дипломатик муносабатларни узиб қўйиш кириши мумкин.

#### **42-модда**

Агар Хавфсизлик Кенгаши 41-моддада кўзда тутилган чораларнинг етарли бўлмаслиги мумкин ёки етарли эмас, деб топса, у ҳаво, денгиз ёки қуруқликдаги кучлар ёрдамида халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ёки тиклаш учун зарур чоралар кўришга вакил қилинади. Бу чораларга Ташкилот Аъзоларининг ҳаво, денгиз ёки қуруқликдаги кучларининг намоийиши, қамал қилиши ва бошқа амалиётлари кириши мумкин.

#### **43-модда**

1. Ташкилотнинг барча аъзолари халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ишига ўз ҳиссасини қўшиш учун Хавфсизлик Кенгаши ихтиёрига унинг талаби бўйича ва махсус битим ёки битимларга биноан халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун зарур қуролли кучлар, ёрдам ва тегишли хизмат воситаларини, шу жумладан, ҳудудидан ўтиш ҳуқуқини бериш мажбуриятини оладилар.
2. Бундай битим ёки битимлар қўшинларнинг сони ва тури, уларнинг тайёргарлик даражаси ва умумий жойлашуви ҳамда хизмат кўрсатиш воситалари ва ёрдам характерини белгилайди.
3. Битим ёки битимлар тузиш тўғрисидаги музокаралар Хавфсизлик Кенгашининг ташаббуси билан мумкин қадар қисқа муддатда олиб борилади. Битим ёки битимлар Хавфсизлик Кенгаши билан Ташкилот Аъзолари ўртасида ёки Хавфсизлик Кенгаши билан Ташкилотнинг бир гуруҳ Аъзолари ўртасида тузилиб, уларни имзолаган давлатлар томонидан шу давлатларнинг конституцион тартиботига мувофиқ ратификация қилиниши керак.

#### **44-модда**

Хавфсизлик Кенгаши куч ишлатишга қарор қилганида, Кенгашда вакили бўлмаган Ташкилот Аъзосидан 43-модда асосида унинг ўз зиммасига олган мажбуриятларини

бажариш юзасидан қуролли кучлар беришини талаб қилишдан илгари, Ташкилотнинг шу Аъзосини, агар у истаса, Хавфсизлик Кенгашининг шу Ташкилот Аъзосининг қуролли кучлари қисмларидан фойдаланиш юзасидан қарори қабул қилинишида қатнашишга таклиф этади.

#### **45-модда**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шошилинч ҳарбий чоралар кўришига имконият туедириш мақсадида, Ташкилот Аъзолари ўз миллий ҳарбий ҳаво кучлари қисмларини биргаликда халқаро мажбурий чоралар кўриш учун ҳолатда ушлашлари лозим. Бу қисмларнинг сони ва тайёргарлик даражасини ҳамда уларнинг биргаликда ҳаракат қилиш режаларини Хавфсизлик Кенгаши Ҳарбий-Штаб кўмитаси ёрдами билан махсус битимда ёки 43-моддада эслатилган битимларда кўрсатилган меъёрга белгилайди.

#### **46-модда**

Қуролли кучлар ишлатиш режаларини Хавфсизлик Кенгаши Ҳарбий-Штаб кўмитаси ёрдами билан тузади.

#### **47-модда**

1. Ҳарбий-Штаб кўмитаси Хавфсизлик Кенгашига унинг халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ишидаги ҳарбий эҳтиёжларига, ўз ихтиёрига берилган кўшинлардан фойдаланиш ва уларга қўмондонлик қилишга, шунингдек, қуролланишни тартибга солиш ва эҳтимол тутилган қуролсизланишга доир барча масалалар бўйича маслаҳатлар бериш ва ёрдам кўрсатиш учун тузилади.
2. Ҳарбий-Штаб кўмитаси Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари штаблари бошлиқлари ёки уларнинг вакилларидан ташкил топади. Кўмигада доимий вакили бўлмаган ҳар қандай Ташкилот Аъзоси, агар кўмига вазифаларининг самарали бажарилишида шу Аъзонинг иштироки талаб этилса, кўмига томонидан ҳамкорлик қилиш учун таклиф этилади.
3. Ҳарбий-Штаб кўмитаси Хавфсизлик Кенгашига бўйсунгани ҳолда, Хавфсизлик Кенгашининг ихтиёрига берилган ҳар қандай қуролли кучларга стратегик раҳбарлик қилишга жавобгардир. Бундай кучларга қўмондонлик қилишга тааллуқли масалалар кейинчалик ишлаб чиқиши лозим.
4. Ҳарбий-Штаб кўмитаси Хавфсизлик Кенгашининг руҳсати билан ва тегишли минтақавий Ташкилотлар билан маслаҳатлашгандан кейин ўзининг минтақавий кичик кўмиталарини таъсис эта олади.

#### **48-модда**

1. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш мақсадида Хавфсизлик Кенгаши қарорларини бажариш учун талаб қилинадиган ҳаракатлар Хавфсизлик Кенгаши қандай белгилаганига қараб, Ташкилотнинг барча Аъзолари ёки уларнинг баъзилари томонидан амалга оширилади.
2. Бундай қарорлар Ташкилот Аъзолари томонидан бевосита, шунингдек, ўзлари аъзо бўлган тегишли халқаро муассасалардаги ҳаракатлари билан амалга оширилади.

#### **49-модда**

Ташкилот Аъзолари Хавфсизлик Кенгаши қабул қилган қарорларда кўрсатилган чораларни амалга оширишда ўзаро ёрдам бериш учун бирлашишлари керак.

#### **50-модда**

Хавфсизлик Кенгаши бирон давлатга қарши огоҳлантирувчи ёки мажбурловчи чораларни кўрса, бошқа ҳар қандай давлат юқорида эслатилган чораларни амалга оширишдан келиб чиқадиган махсус иқтисодий муаммоларга дуч келса, Ташкилотга Аъзо ёки Аъзо эмаслигидан қатъи назар, шу муаммоларни ҳал қилиш учун Хавфсизлик Кенгаши билан маслаҳатлашишга ҳақли.

#### **51-модда**

Ушбу Низом Ташкилот Аъзосига қуролли ҳужум қилинган тақдирда, Хавфсизлик Кенгаши халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун зарур чоралар кўрмагунча,

унинг алоҳида ёки биргаликда ўз-ўзини муҳофаа қилишдан иборат ажралмас ҳуқуқига асло монелик қилинмайди. Ташкилот Абзоларининг ўз-ўзини муҳофаа қилиш ҳуқуқини амалга оширишда қўрган чоралари Хавфсизлик Кенгашига дарҳол маълум қилиниши ва унинг мазкур Низомга мувофиқ ҳамма вақт халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ёки тиклаш учун қандай чорани зарур топса, уни амалга оширишда Хавфсизлик Кенгашига берилган ваколатларга ва унинг масъулиятига ҳеч бир дахл қилмаслиги керак.

### МИНТАҚАВИЙ БИТИМЛАР

#### 52-модда

1. Ушбу Низом халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашга тааллуқли бўлган ва минтақавий характерларга тўғри келадиган масалаларни ҳал этиш учун минтақавий битимлар ёки органларнинг мавжуд бўлишига ҳеч бир тўсқинлик қилмайди, лекин бундай битим ёки органлар ва уларнинг фаолияти Ташкилотнинг Мақсад ва Принциплари билан ҳамоҳанг бўлиши шарт.
2. Шундай битимларни ёки органларни тузган Ташкилот Аъзолари маҳаллий низоларни Хавфсизлик Кенгашига оширгунга қадар уларни шундай минтақавий битимлар ёки шундай минтақавий органлар ёрдамида тинч йўл билан ҳал этишга эришиш учун бор кучларини сафарбар этишлари керак.
3. Хавфсизлик Кенгаши маҳаллий низоларнинг шундай минтақавий битимлар ёки шундай минтақавий органлар ёрдамида ё манфаатдор давлатлар ташаббуси билан ёки ўз ташаббуси билан тинч ҳал этилишини рағбатлантириши лозим.
4. Ушбу модда 34- ва 35-моддаларнинг қўлланилишига ҳеч бир дахл қилмайди.

#### 53-модда

1. Хавфсизлик Кенгаши ўз раҳбарлигида мажбурий чоралар кўриш учун қаерда ўринли бўлса, ўша ерда шундай минтақавий битимлар ёки органлардан фойдаланади. Аммо Хавфсизлик Кенгашидан ваколат олмай туриб, мазкур минтақавий битимлар асосида ёки минтақавий органлар томонидан ҳеч қандай мажбурий чоралар кўрилмайди, бундан 107-моддада кўзда тутилган, ушбу модданинг 2-бандида таърифланган ҳар қандай душман давлатга қарши чоралар ёки ҳар қандай шундай давлат томонидан тажовузкорона сиёсат юргизилишига қарши минтақавий битимларда назарда тутилган чоралар, яъни шундай давлатнинг яна тажовуз қилишига йўл қўйилмаслиги учун жавобгарлик манфаатдор ҳукуматлар илтимослари билан Ташкилотга юкланадиган вақтигача кўриладиган чоралар мустаснодир.
2. Ушбу модданинг 1-бандида қўлланилган “душман давлат” атамаси Иккинчи жаҳон уруши мобайнида ушбу Низомни имзолаган давлатларга душман бўлган ҳар қандай давлатга тааллуқлидир.

#### 54-модда

Хавфсизлик Кенгаши халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун минтақавий битимлар асосида ёки минтақавий органлар томонидан амалга оширилган ёки амалга оширилиши мўлжалланаётган ҳаракатлар ҳақида ҳамиша тўлиқ хабардор қилиниб туриши лозим.

### ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИК

#### 55-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши тамойилини ҳурмат қилишга асосланган миллатлар ўртасида тинчлик ва дўстона муносабатлар учун зарур барқарорлик ва фаровонлик шароитини вужудга келтириш мақсадида:

- a) аҳолининг турмуш ва иш билан тўла таъминлаш даражасини оширишга, иқтисодий ва ижтимоий ўсиш ва ривожланиш шароитини яхшилашга;
- b) иқтисодий, ижтимоий, соғлиқни сақлаш соҳасидаги халқаро муаммоларни ва шулар каби муаммоларни ҳал этишга, маънавият ва маориф соҳасидаги халқаро ҳамкорликка;
- c) инсон ҳуқуқларига, кишиларнинг ирқи, жинси, тили ва динидаги тафовуларидан қатъи назар, ҳамманинг асосий эркинликларига ялпи ҳурмат билан қараш ва уларга риоя қилишга кўмаклашади.

#### 56-модда

Ташкилотнинг барча Аъзолари 55-моддада кўрсатилган мақсадларга эришиш учун Ташкилот билан ҳамкорликда ва мустақил иш кўриш мажбуриятини оладилар.

#### 57-модда

1. Ҳукуматлараро битимларга биноан таъсис этилган ва, ўзларининг таъсис ҳужжатларида белгилангандек, иқтисодий, ижтимоий, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш ва шу каби соҳаларда халқаро масъулият юкланган турли ихтисослаштирилган муассасалар Ташкилот билан 63-модда қоидаларига мувофиқ боғланадилар.
2. Ташкилот билан юқорида кўрсатилган тарзда боғланадиган бундай муассасалар кейинги моддаларда “ихтисослаштирилган муассасалар” деб юритилади.

#### 58-модда

Ташкилот ихтисослаштирилган муассасаларнинг сиёсатини ва фаолиятини уйғунлаштиришга тааллуқли тавсиялар беради.

#### 59-модда

Ташкилот, зарур бўлса, манфаатдор давлатларнинг 55-моддада кўрсатилган мақсадларни бажариш учун талаб қилинадиган ҳар қандай янги ихтисослаштирилган муассасалар тузиш тўғрисидаги музокараларга киришиши учун ташаббус кўрсатади.

#### 60-модда

Ташкилотнинг ушбу Бобда кўрсатилган вазифаларини бажариш учун масъулият Бош Ассамблеяга ва Бош Ассамблея раҳбарлигида Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашга юкланади, унга Х бобда кўрсатилган ваколатлар берилади.



**ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ КЕНГАШ****ТАРКИБИ****61-модда**

1. Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш Ташкилотнинг Бош Ассамблея томонидан сайланадиган эллик тўрт Аъзосидан иборат.
2. Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашнинг ўн саккиз аъзоси 3-бандда баён қилинган қоидаларга риоя қилинган ҳолда ҳар йили уч йиллик муддатга сайланади. Кенгашнинг муддати тугаши билан чиқиб кетадиган аъзоси дарҳол қайта сайланиши мумкин.
3. Дастлабки сайловда Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш аъзоларининг сони йигирма еттидан эллик тўртгага кўпайгач, шу йил охирида ваколат муддатлари тугайдиган тўққиз аъзо ўрнига сайланувчи аъзоларга қўшимча қилиб йигирма етти аъзо сайланади. Шу тариқа сайланган йигирма етти қўшимча аъзолардан тўққизтасининг ваколат муддати, Бош Ассамблеянинг қарорига кўра биринчи йил охирида, бошқа тўққиз аъзосининг ваколат муддати иккинчи йил охирида тугайди.
4. Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашнинг ҳар бир аъзоси биттадан вакилга эга бўлади.

**ВАЗИФА ВА ВАКОЛАТЛАРИ****62-модда**

1. Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш иқтисодий, ижтимоий, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш соҳасидаги халқаро масалалар ва шунга ўхшаш масалаларга доир тадқиқотлар ўтказиш ва маъруза тайёрлашга ёки бошқаларни шундай ишларга рағбатлантиришга, шунингдек, шу масалалардан бирортаси бўйича Бош Ассамблеяга, Ташкилот Аъзолари ва манфаатдор ихтисослаштирилган ташкилотларга тавсиялар беришга вакил қилинади.
2. Кенгаш инсон ҳуқуқларига ва ҳамманинг асосий эркинликларига эҳтиром ва риоя қилишни рағбатлантириш мақсадида тавсиялар беришга вакил қилинади.
3. Кенгаш ўз ваколати доирасидаги масалаларга тааллуқли Конвенциялар лойиҳаларини Бош Ассамблеяга тақдим этиш учун тайёрлаб беришга вакил қилинади.
4. Кенгаш Ташкилот томонидан белгиланган қоидаларга кўра ўз ваколати доирасидаги масалаларга тааллуқли халқаро анжуманлар чақиришга вакил қилинади.

**63-модда**

1. Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш 57-моддада кўрсатилган ҳар қандай муассаса билан мазкур муассасаларнинг Ташкилот билан боғланиш шартларини белгилаб берувчи битимлар тузишга вакил қилинади. Бундай битимлар Бош Ассамблея томонидан тасдиқланаши керак.
2. Кенгаш ихтисослаштирилган муассасаларнинг фаолиятини уларга маслаҳат ва тавсиялар бериш ҳамда Бош Ассамблея ва Ташкилот Аъзоларига тавсиялар бериш йўли билан уйғунлаштиришга вакил қилинади.

**64-модда**

1. Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ихтисослашган муассасалардан мунтазам маърузалар олиб туриш учун зарур чоралар кўришга вакил қилинади. Кенгаш Ташкилот Аъзоларидан ва ихтисослашган муассасалардан ўзининг ваколат доирасидаги масалалар бўйича Бош Ассамблеяга қилган тавсияларининг ижроси юзасидан кўрилган чоралар ҳақидаги маърузаларини олиб туриш мақсадида Ташкилот Аъзолари ва ихтисослашган муассасалар билан битимлар тузишга вакил қилинади.
2. Кенгаш шу маърузалар ҳақидаги мулоҳазаларини Бош Ассамблеяга билдиришга вакил қилинади.

**65-модда**

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш Хавфсизлик Кенгашига ахборот етказиб беришга вакил қилинади ва у Хавфсизлик Кенгашининг таклифи билан унга ёрдам беришга мажбур ҳисобланади.

**66-модда**

1. Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш Бош Ассамблея тавсияларини бажариши муносабати билан ўз ваколати доирасига кирадиган вазифаларни амалга оширади.
2. Кенгаш Бош Ассамблеянинг розилиги билан, Ташкилот Аъзоларининг ва ихтисослаштирилган муассасаларнинг илтимоси бўйича иш бажаришга вакил қилинади.
3. Кенгаш ушбу Низомнинг бошқа қисмларида санаб ўтилган бошқа вазифаларни ёки Бош Ассамблея томонидан унга юклатилиши мумкин бўлган вазифаларни бажариши лозим.

**ОВОЗ БЕРИШ****67-модда**

1. Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашнинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади.
2. Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашнинг қарорлари овоз беришда ҳозир бўлган ва қатнашган Кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

**ТАРТИБОТ****68-модда**

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш иқтисодий ва ижтимоий соҳалар ҳамда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш бўйича комиссиялар тузади, шунингдек, ўзининг вазифаларини бажариш учун зарур бўладиган бошқа комиссияларни ҳам тузади.

**69-модда**

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш Ташкилотнинг ҳар қандай Аъзосини унга тааллуқли бўлган масалани муҳокама қилишда овоз бериш ҳуқуқсиз қатнашиш учун таклиф этади.

**70-модда**

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ихтисослаштирилган муассасалар вакилларининг масалаларни Кенгашда ёки у тузган комиссияларда муҳокама қилишда овоз бериш ҳуқуқсиз қатнашиши учун, шунингдек, ихтисослаштирилган муассасаларда масалаларни муҳокама қилиш чоғида Кенгаш вакилларининг қатнашиши учун тадбирлар кўришга вакил қилинади.

**71-модда**

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича қизиққан ноҳукумат ташкилотлар билан маслаҳатлашиш учун зарур тадбирлар кўришга вакил қилинади. Бундай тадбирлар халқаро ташкилотлар билан, зарур бўлганда эса, Ташкилотнинг манфаатдор Аъзоси билан маслаҳатлашгандан сўнг миллий ташкилотлар билан шартлашиб олинishi мумкин.

**72-модда**

1. Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ўзининг тартибот қоидаларини, жумладан, ўз Раисини сайлаш тартибини белгилайди.
2. Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш заруратга қараб, шахсий қоидаларига мувофиқ чақирилади, бу қоидалар ўз аъзоларининг кўпчилиги талаби билан мажлис чақириш тартибини ҳам ўз ичига олмоғи керак.

### **ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРМАЙДИГАН ХУДУДЛАРГА ТААЛЛУҚЛИ ДЕКЛАРАЦИЯ**

#### **73-модда**

Халқлари ҳали ўзини ўзи тўлиқ бошқаришга эришмаган ҳудудларни идора қилиш масъулиятини ўз зиммасига олган ёки олаётган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аъзолари бу ҳудудлардаги аҳолининг манфаатлари биринчи даражалидир, деган принципни эътироф этадилар ва, ўзларининг муқаддас бурчлари сифатида, ушбу Низомда белгиланган халқаро тинчлик ва хавфсизлик тизими доирасида ўша ҳудудлар аҳолисининг фаровонлигига имконият борича ёрдам бериш мажбуриятини оладилар ва шу мақсадда:

- a) Юқорида кўрсатилган халқларнинг маданиятига ҳурматни сақлаган ҳолда, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини, маориф соҳасидаги тараққиётини, уларга адолатли муносабатда бўлишни ва уларни суиистеъмол қилинишидан ҳимоялашни таъминлайдилар;
- b) Ўзини ўзи бошқаришни ривожлантириш, шу халқларнинг сиёсий интилишларини тегишлича ҳисобга олиш, уларнинг эркин сиёсий институтлари ҳар бир ҳудуд ва ундаги халқларга хос шарт-шароитга ва тараққиётнинг турли босқичига мувофиқ ривожланиб бориши учун ёрдам берадилар;
- c) Халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлайдилар;
- d) Бунёдкорлик тадбирларини авж олдиришга кўмаклашадилар, тадқиқотларни рағбатлантирадилар ва бир-бири билан ҳамда маъқул топилган жойида ва вақтида ушбу моддада баён қилинган ижтимоий, иқтисодий ва илмий мақсадларга эришиш учун ихтисослаштирилган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қиладилар ва
- e) Бош Котибга иқтисодий ва ижтимоий шароитга, шунингдек, ўзлари жавобгар бўлган ҳудуддаги маориф аҳволига оид статистик ва бошқа махсус характердаги ахборотни хавфсизлик ва конституциявий тартиб нуқтаи назаридан талаб қилиниши мумкин чекланишда мунтазам равишда етказиб берадилар, XII ва XIII боблар амал қиладиган ҳудудлар бундан мустаснодир.

#### **74-модда**

Ташкилот Аъзолари ўзларининг ушбу Бобнинг таъсири ўтадиган ҳудудларга нисбатан ўтказадиган сиёсатлари, ўз метрополияларидаги сиёсатларидан кам бўлмаган даражада, яхши қўшничилик умумий принципига, ижтимоий, иқтисодий ва савдо ишларида дунёнинг барча мамлакатлари манфаатларини ва фаровонлигини тегишлича ҳисобга олишга асосланиши лозим, деган фикрга ҳам қўшиладилар.

### **ХАЛҚАРО ВАСИЙЛИК ТИЗИМИ**

#### **75-модда**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кейинчалик алоҳида битимлар билан ўзига кириши мумкин бўлган ҳудудларни бошқариш ва шу ҳудудларни кузатиб туриш учун ўз раҳбарлигида халқаро васийлик тизимини тузади. Бу ҳудудлар бундан буён васийлик ҳудудлари деб аталади.

#### **76-модда**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ушбу Низомнинг биринчи моддасида баён қилинган мақсадларига мувофиқ васийлик тизимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- a) Халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш;
- b) Васийлик ҳудудларидаги аҳолининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига, маориф соҳасидаги тараққиётига, ҳар бир ҳудуд ва ундаги халқларнинг ўзига хос томонларига мос ҳолда ва у халқларнинг эркин билдирилган хоҳишларини ҳисобга олиб ва васийлик тўғрисидаги ҳар бир шартномада кўзда тутилган шартларга қўра, уларнинг ўз-ўзини бошқариши ёки мустақиллик йўлидаги тараққиётига ёрдам бериш;
- c) Инсон ҳуқуқларига ва кишиларнинг ирқи, жинси, тили ва динидаги тафовусларидан қатъи назар, ҳамма учун асосий эркинликларга ҳурмат билан қарашни ва жаҳон халқларининг бир-бирига боғлиқлигини тан олишни рағбатлантириш;
- d) Ташкилот Аъзоларига ва уларнинг фуқароларига ижтимоий, иқтисодий ва савдо соҳаларида тенг муносабатда бўлишни, шунингдек, юқорида кўрсатилган вазифаларни бажаришга ҳеч қандай зиён етказмаган ҳолда ва 80-моддадаги қоидаларга риоя қилиш шарти билан одил суд юритишда уларга тенг муносабатда бўлишни таъминлайди.

#### **77-модда**

1. Васийлик тизими ўзига васийлик тўғрисидаги битимлар билан киритилиши мумкин бўлган қуйида санаб ўтилган тоифадаги ҳудудларга жорий қилинади:
  - a) Ҳозирги кунда мандат остида бўлган ҳудудлар.
  - b) Иккинчи жаҳон уруши натижасида душман давлатлардан ажратиб олиниши мумкин бўлган ҳудудлар ва
  - c) Бошқариш учун жавобгар давлатлар томонидан васийлик тизимига ихтиёрий равишда қўшилган ҳудудлар.
2. Юқорида санаб ўтилган тоифадаги ҳудудлардан қайсиларини ва қандай шартлар билан васийлик тизимига қўшиш керак, деган масала шу ҳақда келгусида тузиладиган битимда аниқланади.

#### **78-модда**

Васийлик тизими Ташкилот Аъзолари бўлган мамлакатларга жорий қилинмайди, бу мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар суверен тенглик принципини ҳурмат қилишга асосланиши лозим.

#### **79-модда**

Васийлик тизимига қўшиладиган ҳар бир ҳудуд учун васийлик шартлари, шу жумладан, барча ўзгариш ва тузатишлар бевосита манфаатдор давлатларнинг, шу жумладан, мандатария-мамлакатларининг, агар ҳудудлар Ташкилот Аъзоларидан бирининг мандати остида бўлса, битимлари билан белгиланади ҳамда 83- ва 95-моддаларда кўрсатилгандек тасдиқланади.

### **80-модда**

1. Ҳар бир ҳудудни васийлик тизимига қўшадиган 77-, 79-ва 81-моддаларга мувофиқ тузилган васийлик ҳақидаги алоҳида битимларда келишиб олинadиган ҳоллардан ташқари ва бундан буён шундай битимлар тузилгунча ушбу Бобдаги бирон қоида ҳар қандай давлат ёки ҳар қандай халқлар ҳуқуқларининг ёки Ташкилот Абзолари қатнаша оладиган мавжуд халқаро битимлар шартларининг ўзгариши, деб талқин қилинмаслиги лозим.
2. Ушбу модданинг 1-банди мандат остидаги ва бошқа ҳудудларни, 77-моддада кўрсатилгандек васийлик тизимига қўшиш тўғрисида музокаралар олиб бориш ва битимлар тузишни кечиктириш ёки пайсалга солишга асос беради, деб талқин қилинмаслиги лозим.

### **81-модда**

Васийлик ҳақидаги битим ҳар бир ҳолда васийлик ҳудудини бошқариш шартларини ўз ичига олиши, шунингдек, васийлик ҳудудини бошқарувчи ҳокимиятни белгилаб бериши лозим. Бундан буён бошқарувчи ҳокимият деб аталadиган бундай ҳокимият бир ёки кўпроқ давлат ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бўлиши мумкин.

### **82-модда**

Васийлик ҳақидаги ҳар қандай битимда шу битим жорий қилинадиган васийлик ҳудудининг бир қисмини ёки ҳаммасини 43-модда асосида тузилган битимларга ёки бирон-бир махсус бир битимга ҳеч бир зиён етказмасдан ўз ичига олувчи стратегик район ёки районлар аниқланиши мумкин.

### **83-модда**

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг стратегик районларга тааллуқли барча вазифалари, жумладан, васийлик ҳақидаги битимларнинг шартларини, уларга киритилadиган тузатиш ёки қўшимчаларни тасдиқлаш вазифаси Хавфсизлик Кенгаши томонидан бажарилади.
2. 76-моддада баён қилинган асосий мақсадлар ҳар бир стратегик район аҳолисига тааллуқлидир.
3. Хавфсизлик Кенгаши васийлик ҳақидаги битим шартларига риоя қилиб ва хавфсизлик талабларига зиён етказмасдан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг васийлик тизимига мувофиқ стратегик районлардаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий масалаларга, шунингдек, маориф соҳасидаги масалаларга доир вазифаларини бажариш учун Васийлик Кенгашининг ёрдамидан фойдаланади.

### **84-модда**

Васийлик ҳудуди халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашда ўз ролини ўйнашини таъминлаш бошқарувчи ҳокимиятнинг вазифасидир. Шу мақсадда бошқарувчи ҳокимият Хавфсизлик Кенгаши олдида ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришда, шунингдек, васийлик ҳудуди доирасида маҳаллий мудофаа, қонун ва тартибни сақлаш учун васийлик ҳудудининг кўнгилли қуролли кучларидан, хизмат кўрсатиш васиталари ёрдамидан фойдаланишга вакил қилинади.

### **85-модда**

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг стратегик районларга қўшилмаган барча районлар учун васийлик ҳақидаги битимларга тааллуқли вазифаларини, жумладан, васийлик ҳақидаги битимларнинг шартларини, уларга киритилadиган ўзгартириш ёки қўшимчаларни тасдиқлашни Бош Ассамблея амалга оширади.
2. Бош Ассамблея раҳбарлиги остида ишлайдиган Васийлик Кенгаши шу вазифаларни бажаришда Бош Ассамблеяга ёрдам беради.

### **ВАСИЙЛИК КЕНГАШИ**

#### **ТАРКИБИ**

##### **86-модда**

1. Васийлик Кенгаши Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қуйидаги Аъзоларидан иборат бўлади:
  - a) Васийлик ҳудудларини бошқарувчи Ташкилот Аъзоларидан;
  - b) 23-моддада номлари кўрсатилган васийлик ҳудудларини бошқармайдиган Ташкилот Аъзоларидан;
  - c) Бош Ассамблея томонидан уч йиллик муддатга сайланган, Васийлик Кенгаши аъзоларининг умумий сони васийлик ҳудудларини бошқарувчи ва бошқармайдиган Ташкилот Аъзолари орасида тенг бўлиниши учун зарур бўладиган миқдордаги Ташкилотнинг бошқа аъзоларидан.
2. Васийлик Кенгашининг ҳар бир аъзоси юқори малакали шахсни ўзининг Васийлик Кенгашидаги вакили этиб тайинлайди.

#### **ВАЗИФА ВА ВАКОЛАТЛАРИ**

##### **87-модда**

Бош Ассамблея ва унинг раҳбарлиги остидаги Васийлик Кенгаши ўз вазифаларини бажараётганда қуйидагиларга вакил қилинади:

- a) Бошқарувчи ҳокимият тақдим қилган ҳисоботларни кўриб чиқиш;
- b) Бошқарувчи ҳокимият билан маслаҳатлашган ҳолда илтимосномаларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш;
- c) Бошқарувчи ҳокимият билан келишилган муддатларда тегишли васийлик ҳудудларига вақти-вақти билан бориб туриш ва
- d) Васийлик ҳақидаги битимларнинг шартларига кўра, юқорида эслатилган ва яна бошқа ишларни бажариш.

##### **88-модда**

Васийлик Кенгаши ҳар бир васийлик ҳудуди аҳолисининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига, шунингдек, маориф тараққиётига доир анкета ишлаб чиқади. Бош Ассамблея ваколатига кирадиган ҳар бир васийлик ҳудудининг бошқарувчи ҳокимияти эса шу анкета асосида йиллик маъруза тузиб, Бош Ассамблеяга тақдим қилади.

#### **ОВОЗ БЕРИШ**

##### **89-модда**

1. Васийлик Кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.
2. Васийлик Кенгашининг қарорлари овоз беришда ҳозир бўлган ва қатнашган Кенгаш Аъзоларининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади.

#### **ТАРТИБОТ**

##### **90-модда**

1. Васийлик Кенгаши ўзининг тартибот қоидаларини, жумладан, ўз Раисини сайлаш тартибини қабул қилади.
2. Васийлик Кенгашининг мажлислари заруриятга қараб, мажлислар Кенгаш Аъзоларининг кўпчилиги талаби билан чақирилишини назарда тутган тартибот қоидаларига мувофиқ чақириб турилади.

**91-модда**

Васийлик Кенгаши тегишли ҳолларда Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашнинг ва ихтисослашган муассасаларнинг ўзлари манфаатдор бўлган масалалар бўйича ёрдамидан фойдаланади.

### **ХАЛҚАРО СУД**

#### **92-модда**

Халқаро Суд Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий суд органи ҳисобланади. У Халқаро Одил Судлов Доимий Палатаси Статутига асосланган қуйида ҳавола этилаётган Статутга мувофиқ ҳаракат қилади ва ушбу Низомнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

#### **93-модда**

1. Ташкилотнинг барча Аъзолари Халқаро Суд Статутининг IPSO facto қатнашчилари ҳисобланади.
2. Ташкилот Аъзоси бўлмаган давлат, ҳар бир айрим ҳолда Бош Ассамблеянинг Хавфсизлик Кенгаши тавсиясига мувофиқ белгилаб берган шартлари асосида, Халқаро Суд Статутининг қатнашчиси бўла олади.

#### **94-модда**

1. Ташкилотнинг ҳар бир Аъзоси Халқаро Суднинг қарорини ўзи томон ҳисобланган иш бўйича бажариш мажбуриятини олади.
2. Иш юзасидан бирор томон Суд қарори билан ўзига юкланган вазифани бажармаган тақдирда иккинчи томон Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қила олади. Хавфсизлик Кенгаши эса, зарур топса, тавсиялар бериши ёки қарорни ижро этиш учун чоралар кўриш масаласини ҳал этиши мумкин.

#### **95-модда**

Ушбу Низом Ташкилот Аъзоларининг ўз ихтилофларини ҳал этишни мавжуд битимлар асосида ёки келажақда тузилиши мумкин бўлган битимлар асосида бошқа судларга топширишга мутлақо монелик қилмайди.

#### **96-модда**

1. Бош Ассамблея ёки Хавфсизлик Кенгаши Халқаро Суддан ҳар қандай юридик масала бўйича консултатив хулосалар беришни талаб қила олади.
2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бошқа органлари ва Бош Ассамблея бунга истаган вақтда рухсат бериши мумкин бўлган ихтисослашган муассасалар ҳам ўзларининг фаолият доираси чегарасида келиб чиқадиган юридик масалалар бўйича Суднинг консултатив хулосаларини талаб қилиши мумкин.



### КОТИБИАТ

#### 97-модда

Котибият Бош Котибдан ва Ташкилотга керак бўладиган ходимлардан иборат бўлади. Бош Котиб Хавфсизлик Кенгашининг тавсиясига мувофиқ Бош Ассамблея томонидан тайинланади. Бош Котиб Ташкилотнинг асосий маъмурий мансабдор шахси ҳисобланади.

#### 98-модда

Бош Котиб шундай лавозимда Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ва Васийлик Кенгашининг мажлисларида қатнашади ва ўзига мазкур органлар томонидан юклатиладиган бошқа вазифаларни бажаради. Бош Котиб Ташкилотнинг иши ҳақидаги йиллик ҳисоботни Бош Ассамблеяга тақдим этади.

#### 99-модда

Бош Котиб халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкин, деб ҳисоблаган ҳар қандай масалани Хавфсизлик Кенгашига маълум қилишга ҳақлидир.

#### 100-модда

1. Бош Котиб ва Котибият ходимлари ўз вазифаларини ижро этаётганда Ташкилот учун бегона бирорта ҳам ҳукумат ёки ҳокимиятдан кўрсатмалар талаб қилмасликлари ёки олмасликлари лозим. Улар ўзларининг фақат Ташкилот олдида жавобгар бўлган халқаро мансабдор сифатидаги обрўларига путур етказадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан сақланишлари лозим.
2. Ташкилотнинг ҳар бир Аъзоси Бош Котиб ва Котибият ходимлари вазифаларининг халқаро аҳамиятга эга эканини қатъий ҳурмат қилиш ва уларга ўз вазифаларини ижро этаётганда таъсир ўтказишга ҳаракат қилмаслик мажбуриятини олади.

#### 101-модда

1. Котибият ходимларини Бош Ассамблея томонидан белгиладиган қоидаларга мувофиқ Бош Котиб тайинлайди.
2. Ижтимоий ва Иқтисодий Кенгашга, Васийлик Кенгашига ва, заруратга қараб, Ташкилотнинг бошқа органларига доимий ишлаш учун зарур ходимлар ажратиб берилади. Бу ходимлар Котибиятнинг бир қисмини ташкил қиладилар.
3. Хизматга қабул қилишда ва хизмат шартларини белгилашда, асосан, ишчанлик, билимдонлик ва ҳалолликнинг юксак даражада бўлишини таъминлаш заруриятидан келиб чиқиш керак. Ходимларни мумкин қадар кенгроқ жуғрофий асосда танлашнинг муҳимлигига кўпроқ эътибор бериш керак.

### ТУРЛИ ҚОИДАЛАР

#### 102-модда

1. Ушбу Низом кучга кирганидан кейин Ташкилотнинг ҳар қандай Аъзоси билан тузилган ҳар қанақа шартнома ва ҳар қандай халқаро битим биринчи имконият бўлган ҳамоно Котибият томонидан қайд қилиниши ва чоп этилиши лозим.
2. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ қайд қилинмаган ҳар қандай шартнома ёки халқаро битимда қатнашувчи томонлардан ҳеч бири Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг органларидан бирортасига шундай шартнома ёки битимни асос қилиб кўрсата олмайди.

#### 103-модда

Ташкилот Аъзоларининг ушбу Низомдан келиб чиқадиган мажбуриятлари уларнинг бошқа бирор халқаро битимдан келиб чиқадиган мажбуриятларига зид бўлиб қолган тақдирда, Ташкилот Аъзоларининг ушбу Низом бўйича олган мажбуриятлари устун кучга эга бўлади.

#### 104-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз Аъзоларидан ҳар бирининг ҳудудида ўз вазифаларини бажариш ва ўз мақсадларига эришиш учун зарур бўлиб қолиши мумкин бўлган ҳуқуқ лаёқатидан фойдаланади.

#### 105-модда

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз Аъзоларидан ҳар бирининг ҳудудида ўз мақсадларига эришиш учун зарур бўлган имтиёз ва дахлсизликлардан фойдаланади.
2. Ташкилот Аъзоларининг вакиллари ва унинг мансабдор шахслари ташкилот фаолиятига алоқадор бўлган вазифаларини мустақил бажариш учун зарур бўлган имтиёз ва дахлсизликлардан фойдаланадилар.
3. Бош Ассамблея ушбу модданинг 1- ва 2-бандларини татбиқ этиш ҳолатларини аниқламоқ учун тавсиялар бериши, шунингдек, Ташкилот Аъзоларига шу мақсадда Конвенциялар таклиф этиши мумкин.

### ЎТИШ ДАВРИДАГИ ХАВФСИЗЛИК ТАДБИРЛАРИ

#### **106-модда**

Бундан буён, 43-моддада эслатиб ўтилган ва, Хавфсизлик Кенгаши фикрича, унинг 42-моддасига мувофиқ ўз вазифаларини амалга ошира бошлаш имкониятини берадиган махсус битимлар кучга киргунча 1943 йил 30 октябрда Москвада имзоланган Тўрт Давлат Декларацияси қатнашчилари ва Франция шу Декларациянинг 5-бандидаги қоидаларга мувофиқ, халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун қандай чоралар зарур бўлиб қолса, Ташкилот номидан биргаликда шундай чоралар кўриш мақсадида бир-бирлари билан ва, зарур бўлган тақдирда, Ташкилотнинг бошқа Аъзолари билан маслаҳатлашадилар.

#### **107-модда**

Ушбу Низом Иккинчи жаҳон уруши туфайли тегишли ҳукуматларнинг шу уруш давомида ушбу Низомни имзолаган давлатлардан ҳар қандайининг душмани бўлган ҳар қандай давлатга нисбатан амалга оширган ёки оширилишини маъқуллаган чораларини асло юридик кучдан маҳрум қилмайди, шунингдек, бундай чораларни қўллашига тўсқинлик қилмайди.

### **ТУЗАТИШЛАР**

#### **108-модда**

Ушбу Низомга киритиладиган тузатишлар, улар Бош Ассамблея Аъзоларининг учдан икки қисми овози билан қабул қилиниб, Ташкилот Аъзоларининг Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларининг ҳаммасини қўшгандаги учдан икки қисми овози билан уларнинг конституциявий тартиботига мувофиқ ратификация қилинган, Ташкилотнинг барча Аъзолари учун кучга киради.

#### **109-модда**

1. Ушбу Низомни қайтадан кўриб чиқиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Аъзоларининг Бош Конференцияси Бош Ассамблея аъзоларининг учдан икки қисми овози ва Хавфсизлик Кенгашининг исталган тўққиз аъзосининг овози билан белгиланадиган муддатда ва жойда чақирилиши мумкин. Ташкилотнинг ҳар бир Аъзоси Конференцияда бир овозга эга бўлади.
2. Ушбу Низомга Конференция қатнашчиларининг учдан икки қисми овози билан тавсия этилган ҳар қандай ўзгартириш Ташкилот Аъзоларининг конституциявий тартиботига мувофиқ, уларнинг Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларининг ҳаммасини қўшгандаги учдан икки қисми томонидан ратификация қилинган, кучга киради.
3. Агар шундай Конференция ушбу Низом кучга кирган кундан бошлаб ҳисоблаганда Бош Ассамблеянинг ўнинчи йиллик сессиясигача бўлиб ўтмаса, шундай Конференция чақириш тўғрисидаги таклиф Бош Ассамблеянинг шу сессияси кун тартибига киритилади ва Бош Ассамблея Аъзоларининг оддий кўпчилиги овози ва Хавфсизлик Кенгашининг исталган етти аъзоси овози билан Конференция чақирилади.

### **РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИМЗОЛАШ**

#### **110-модда**

1. Ушбу Низомни имзолаган давлатлар уни ўзларининг конституциявий тартиботларига мувофиқ ратификация қилишлари керак.
2. Ратификация ёрлиқлари сақлаш учун Америка Қўшма Штатлари ҳукуматига топширилиши лозим, у ҳар бир ёрлиқнинг сақлаш учун топширилганини Низомни имзолаган барча давлатларга, шунингдек, Ташкилотнинг Бош Котиби тайинлангач, унга маълум қилади.
3. Ушбу Низом Хитой Халқ Республикаси, Франция, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Қироллиги ва Америка Қўшма Штатлари ва Низомни имзолаган бошқа кўпчилик давлатлар ратификация ёрлиқларини сақлашга топширгандан кейин кучга киради. Сўнгра Америка Қўшма Штатлари ҳукумати ратификация ёрлиқларини сақлашга топширилганлиги ҳақида протокол тузади, бу протоколнинг нусхалари Низомни имзолаган барча давлатларга юборилади.
4. Ушбу Низомни имзолаган давлатлар Низом кучга киргандан кейин уни ратификация қилгач, ўзларининг тегишли ратификация ёрлиқларини сақлашга топширган кундан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Дастлабки Аъзолари бўлиб қоладилар.

#### **111-модда**

Хитойча, французча, русча, инглизча ва испанча матнлари бир хил кучга эга бўлган ушбу Низом Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг архивида сақланади. Бу ҳукумат Низомнинг тегишлича муҳр босилган нусхаларини уни имзолаган бошқа давлатларнинг ҳукуматларига юборади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳукуматларининг вакиллари юқорида баён қилинганларнинг тасдиғи учун ушбу Низомни имзоладилар.

Бир минг тўққиз юз қирқ бешинчи йил йигирма олтинчи июнда Сан-Франциско шаҳрида тузилди.